

АППЛИКАЦИЯ — бадиий нутк-да халк макол ва маталларини муайян ўзгаришлар билан истифода килиш усули. Аппликацияли нутк таъсирчан ва афористик характерда бўлиб, муаллиф ёки персонажнинг у ёки бу масалага муносабатини ёркин очишига хизмат килади. Масалан, А.Каххорнинг «Кўшчинор чироклари» романида Рўзимат тилидан шундай аппликация кўлланилади: — Бу киши «тушунтириш керак», дейдилар, тўгри, лекин «гапни гапир укканга, жонни жонга сукканга, гапни айтиб нетарсан, онаси бемахал тукканга!» Сиз куйиб-пишиб гапириб турганингизда сигири маъраб колса, сизга эмас, сигирига карайдиган одамга гап таъсир киладими?» Бу ўринда А.Каххор халк орасида кенг таркалган «гапни гапир укканга, жонни жонга сукканга» маколини «гапни айтиб нетарсан, онаси бемахал тукканга!» фикри билан тўлдирган. Натижада Рўзмат нутки лўнда ва ифодали кўриниш касб килган.